Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 июнь сешанба

Сотувда эркин нархда № 112 (2150)

БЕДОР ЎЙ

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида

Тошкент ислом университетининг фаолиятини такомиллаштириш, юртимиздаги ва хориждаги диний ташкилотлар, тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, замонавий фикрловчи ҳамда диний илмга эга мутахассислар тайёрлаш, университет, Ислом тадқиқотлар маркази, академик лицей фаолияти сифатини шакллантиришда тавсиялар бериш мақсадида:

1. Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши тузилсин ва унинг таркиби иловадаги рўйхатга биноан тасдиқлансин.

Маслаҳат кенгаши раиси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров тайинлансин.

Маслаҳат кенгашининг тавсиялари университет ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи моҳиятга эгалиги белгилансин.

2. Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

— ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар тайёрлашда тавсиялар бериш;

— жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва боғлаш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятлари асосида етук исломшунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

— ҳомийларни, шу жумладан хорижий сармояларни жалб этиш, етакчи тадқиқот ва таълим марказларининг ўқитиш услубияти, таълимни ташкил этиш тажрибасини яқиндан ўрганиш ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурга мос равишда татбиқ этиш ҳамда хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таълим ва тадқиқотлар жараёнига таклиф этишда тавсиялар бериш;

— дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш, дарсликлар тайёрлаш ҳамда ўқув жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳар томонлама такомиллаштиришда университет илмий кенгашига тавсиялар бериш;

— университет ва унинг ҳузуридаги Ислом тадқиқотлар маркази, академик лицейда олиб бориладиган илмий-услубий тадқиқотлар йўналиши ва мавзулари бўйича ҳамда манбалар хазинасини ташкил этишда тавсиялар бериш;

— университетнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, бу борада омма афкорини шакллантириш ва фаолиятига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида"ги 1999 йил 7 апрель Фармони ҳамда "Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 1999 йил 7 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида университет Маслаҳат кенгашининг Низоми ишлаб чиқилсин ва 10 кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент ислом университетининг Маслаҳат кенгаши жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 7 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 июндаги Ф-1015 Фармойишига илова

Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг таркиби

1. **А.Мансуров** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Кенгаш раиси
2. **Н.Жўраев** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
3. **Ҳ.Кароматов** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори
4. **А.Баҳромов** — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
5. **А.Комилов** — ташқи ишлар вазири
6. **Ф.Собиров** — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси
7. **С.Ғуломов** — олий ва ўрта махсус таълим вазири
8. **Н.Иброҳимов** — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ректори
9. **А.Азимов** — Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом олий маъҳадининг ректори
10. **Н.Комилов** — профессор-исломшунос
11. **М.Хайрулляев** — ФА Шарқшунослик институти директори
12. **З.Мунавваров** — Имом ал-Бухорий халқаро жағармаси раиси
13. **Ю.Шокиров** — Ўзбекистон мусулмонлари идораси маслаҳатчиси

ЎЗИМИЗНИНГ «КИБО»

Дўкондан бежирим пойабзал харид қилаётган киши сотувчидан сўрайди:

— Бу қайси чет мамлакатда ишлаб чиқарилган?

— Чет элникимас, ўзимизники, — дейди сотувчи. — Чирчиқдаги «Кибо» фабрикасида тайёрланган.

— Қойил!

Шу билан суҳбат — сотувчи билан харидор ўртасидаги ҳавас ва ҳайрат тугайди. Аммо кўпчилик қатори улар ҳам мазкур фабрика 1997 йилда Олмониянинг мазкур «Саламандра» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилганлигини, бу ерда тайёрланаётган 8 турдаги пойабзал маҳсулотлари мамлакатимиз ички бозорида мустаҳкам ўрин олганлигини билишмайди. Шунингдек, улар фабрика бултур савдо шохобчаларига 230 минг жуфт оёқ кийими етказиб берган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 20 минг жуфтга оширишидан ҳам бехабардирлар.

СУРАТДА: фабриканинг моҳир ишчиларидан бири Нигора Шомаҳмудова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТЕННИСЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Тошкентдаги "Динамо" теннис кортларида "WTA — Тошкент Open 1999" теннис бўйича халқаро хотин-қизлар турнирини очиш маросими бўлди. Унда 21 мамлакатдан энг кучли теннисчи хотин-қизлар иштирок этмоқда.

— WTA — хотин-қизлар теннис уюшмаси Тошкентда уч йил давомида ўтказилган хотин-қизларнинг "Челленжер" халқаро теннис мусобақаси юксак даражада ташкил этилгани учун бу турнирларга расмий мақом берди. Эндиликда "WTA — Тошкент Open" турнири халқаро хотин-қизлар турнирлари орасида энг нуфузли мусобақага айланади, — деди WTA Tour директори Клара Вуд хоним мусобақани очиш пайтида. — Бу ажойиб спорт байрами ташкилотчилари билан биргаликда унинг барча иштирокчиларига омад тилайман.

— Ўзбекистон Президенти Аёллар йили деб эълон қилган бу йилда 21 мамлакатнинг энг яхши спортчилари асосий совринлар учун курашадиган нуфузли халқаро теннис мусобақаси Тошкентда очилгани диққатга сазовордир, — деди Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов. — Бу йилги мусобақа спортнинг мазкур турини фақат тарғиб қилишгагина эмас, мамлакатимизнинг барча қизлари ва аёлларини теннисга фаол жалб этишга самарали кўмаклашади, деб умид қиламиз. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда.

Турнирни очиш маросимида сўзга чиққан жаноб Сассон Какшури Ўзбекистонда теннисни жадал ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди ва турнир иштирокчиларига муваффақият тилади.

Мусобақа 13 июнгача давом этади, турнир доирасида болалар ва меҳмонлар учун теннис бўйича мусобақалар ўтказилади.

(ЎзА)

Ажойиб рус шоири Александр Пушкин таваллудининг 200 йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди.

Шоир туғилган кун арафасида Тошкентдаги республика Байналмилал маданият марказида юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кеча доирасида "Ўзбекистон рассомлари ижодида Пушкин" мавзуида кўргазма очилди. Кўргазмага таниқли ва ёш рассомларнинг ишлари қўйилган эди. Байналмилал маданият

ШОИР ЮБИЛЕЙИ

маркази билан Ўзбекистон Бадиий академияси бу тадбир ташаббускори бўлди.

Пушкин дунёга келганидан буён ўтган вақт шоирни биздан узоқлаштиргани йўқ, аксинча, тобора яқинлаштирди. Ер юзида унинг миллионлаб мухлиси бор. Уларнинг барчаси шоир ҳақида кўпроқ билгиси ва уни чуқурроқ идрок этгиси келади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов маросимни очиш чоғида таъкидлаганидек, буюк шоир бир миллатгагина мансуб бўлиб қолмай, барча халқларнинг қадриятига айланган.

Кўргазма очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев иштирок этди.

* * *

Пушкин туғилган кун — 6 июнда шоирнинг мамлакатимиз пойтахтидаги ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов, Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев иштирок этди.

— Оилада фарзанд туғилиши ҳар доим катта байрам бўлади. Александр Сергеевич Пушкиндек мислсиз шоирнинг туғилиши эса, улкан жаҳон оиласи учун байрамдир, — деди элчи. — Пушкин адабиётнингтина эмас, маънавиятнинг ҳам юксак чўққиси ҳисобланади. Мен шоир ижоди мамлакатингизда ўта ардоқланаётгани учун Ўзбекистон ҳукуматидан, бутун Ўзбекистон халқидан миннатдорман!

Д. САИТОВА,
ЎзА мухбири.

ИЖРО ИНТИЗОМИ

Марғилонлик бир куйди-пишди тадбиркор танишим бор. Қандай юмуш бошласа, аввало, масаланинг ҳуқуқий жиҳатларини пухта ўрганиб, сўнг ишга киришади. Бир гал учрашганимизда унинг кайфияти жойида, димоғи чоғ эди. Оғайнимнинг ишлари юришиб кетибди-да, деб ўйладим. Лекин ҳуш кайфиятнинг сабаби бошқа томонда экан.

— Мана энди бюрократлар, тўраларнинг пайтавасига қурт тушадиган бўлибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилибди. У бизга жуда катта маънавий кўмак беради.

XXI аср сари

Шу танишимнинг ўз ҳақини таниб, ҳукумат қарорларига ҳуқуқий муносабати сабаб бўлди-ю, вилоятда бошқарувнинг асосий мезонларидан бири бўлган ижро интизомига муносабат қандайлигини билиш мақсадида Бешариқ туманига йўл олдим.

Вилоятнинг бу туманида мазкур масала бўйича яхшигина тажриба тўпланган. Баҳорнинг дастлабки кунларида ижро интизомига бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш ҳам айнан шу туманда ўтказилганлиги бежиз эмас. Ҳабибахон Азимова туман ҳокимлигининг девонхонасига юртимиз мустақилликка эришганидан бери раҳбарлик қилиб келади. Бир сўз билан айтганда, ўз соҳасининг пиру-комилларидан бири. Қувваи-ҳофизаси шу даражадаки, бундан 7-8 йил аввал қабул қилинган Президент фармонларининг тартиб рақамигача, қабул қилинган санасигача адашмай айтаб бера олади.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фаолиятимизни тартибга солиб, йўналтирибгина қолмай, балки олдимизда турган қатор муаммоларни ҳал қилишда ҳам катта имкониятлар очиб беради. Биринчи навбатда биз республикамиз Президенти фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш имкониятига эга бўлдик, – дейди девонхона мудири Ҳабибахон Азимова. – Биринчи навбатда туман ҳокимлиги девонхонаси, назорат инспекцияси тизимида янгича иш юритиш бўйича барча шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсий жавобгарлик ҳисси бир неча карра ошди. Бошқарув тизими барча бўғинларида ташкилотчилик, назорат фаолиятини такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қатъий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Мазкур қарор ҳаётга жорий этилганидан сўнг туман ҳокимлигида юқори ташкилотлардан жўнатилаётган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиб олиш, қайд этиш ҳамда унинг мазмунини туман ҳаётига боғлаган ҳолда қайта ишлаб, ижросини таъминлаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди, ҳужжатлар тайёрланди. Девонхона мудирига қабулхонадан ташқари битта архив хонаси ажратилди. Иш юритишнинг барча жараёнлари компьютерлаштирилди. Компьютерларнинг «МОДЕМ» йўналиши орқали вилоят ва республика тизимларига уланганлиги нафақат иш юритишда, балки маълумотларни тез муддатларда жойларга етказиб беришда муҳим омил бўляпти.

Шунинг учун ҳам ҳозир девонхонани туман ҳокимлигининг юраги, бош штаби дейиш мумкин. Туман, вилоят миқёсида қабул қилинаётган қарорлар ўша куниёқ барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга етказиб берилиши одат тусига кириб қолди. Ҳокимлик шу йилнинг биринчи чорагида вилоят ҳокимлигидан саксонга яқин қарор, 19 та фармойиш олган бўлса, уларнинг ҳаммаси белгиланган муддатларда ижрочиларга етказиб берилди. Шу қарорларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган 41 та қарор ва 14 та фармойиш назорат муддатлари қайд этилган ҳолда ўша куниёқ мансабдор шахсларнинг иш столида бўлишига эришилаяпти.

Юқори ташкилотлардан келган ҳужжатларни ҳисобга олиш ҳам тартибли. Туманда ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда унинг доимий эътиборда бўлиши учун назорат кунлари жорий этилган. Назорат кунларининг расмиятчиликка айланиб қолмаслиги учун махсус тузилган гуруҳ ҳисобот тайёрлайди. Мансабдор шахсларнинг бу борадаги фаолиятларини ўрганиш, уларнинг масъулиятини ошириш учун махсус «Назорат жадвали» ҳам ишлаб чиқилган. Назорат кунларида ташкилот ва муассасаларда масъул шахсларнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари юзасидан мунтазам равишда ҳисоботлар ҳам эшитиб борилади. Меъёрий ҳужжатларда қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсий, интизомий жавобгарлик чоралари кўрилаяпти.

Ҳокимлик девонхонаси узоқ муддатларга белгиланган тадбирлар назоратини ўз зиммасига олган, туман кенгашининг сессия ҳужжатлари ҳамда беш йил давомида ўтказилган фаоллар анжуманларида қабул қилинган қарорлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бу сессия ва йиғилишларда ишлаб чиқилган режа бўйича туман ҳаёти билан боғлиқ 220 дан зиёд тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларнинг кўпчилиги 2-3 йилга мўлжалланган бўлишига қарамай, ижроси изчил давом этяпти: ҳар ярим йилда бу узоқ муддатли тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилиниб, жоиз бўлса, қўшимча чоралар белгиланаяпти ва ижро учун тавсия қилинмоқда.

Шу сабабдан бўлса керак, сўнгги йилларда Бешариқ туманидан вилоят, республика идораларига, оммавий ахборот воситаларига йўлланаётган шикоятлар, илтимослар, сўровномалар сони кескин камайди. Чунки энди фуқаролар, корхона ва ташкилотлар ўз манфаатлари ҳимоя қилиниши, қонун ва фармойишлар ижросиз қолмаслигини яхши билишади.

Ҳуқуқий давлат тизимини барпо қилишда ижро интизоми муҳим омил эканлигини одамлар тобора чуқур англаб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини шу талаблар дарҳасида қуришга ҳаракат қилишмоқда. Зеро, барча ютуқларнинг гарови — ижро интизоми эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол ва истиқбол

ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарорини вилоят аҳли истиқбол кафолати сифатида зўр мамнуният билан кутиб олди. Хоразм вилояти ҳокими Ислом БОБОЖОНОВ билан суҳбатимиз ҳукуматимизнинг мазкур қарори ва шу асосда вилоятда амалга ошириладиган ишлар хусусида бўлди.

— Ислом Олимович, суҳбатимизни 1999-2001 йилларда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг мақсад-моҳияти, амалга ошириладиган тадбирларнинг аҳамиятидан бошласак. Бу тарихий дастур вилоятни ҳар томонлама юксалтиришда қандай маънавий, иқтисодий-ижтимоий асослар яратади?

— Авваламбор, вилоят аҳли Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг беқиёс ғамхўрликларидан чексиз миннатдор эканлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Юртбошимизнинг вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида кўрсатилган муаммо ва камчиликларни тўла ва изчил, собитқадамлик билан бартараф қилиш, барқарор ўсиш-юксалиш суръатини таъминлаш йўлида мазкур қарор дастуруламал бўлиши, шубҳасиз.

Дастурнинг мақсад-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Унинг қуйидаги асосий жиҳатларини эса алоҳида таъкидламоқ керак. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, янгиланишларни жадаллаштириш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодиёти, тараққиёт ва ривожланиш ҳақидаги билимлар билан бойитиш устувор мақсадимиздир. Нафақат корхона, ташкилот ва хўжаликлар, балки ҳар бир оила, ҳар бир шахсни янгича яшаш ва ишлашга, боқимандалик кайфиятидан халос бўлишга, берилаётган ҳуқуқ ва эркинликлар асосида шахсий қобилиятларини кенг намоён қилишга ўргатишимиз лозим. Ана шу эзгу йўлда барча имкониятлар ишга солинади. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар мажмуи амалга оширилади. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси аҳолининг фаровонлигини ўстиришга, тўкин ҳаётини таъминлашга хизмат этади.

(Давоми 2-бетда).

Акс садо

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Кейинги пайтда қўшни Тожикистонда рўй бераётган ҳунрезлик ва нотинчликлар барча юртдошларимиз каби мени ҳам ташвишга солмоқда. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган нақл бор. Ўзбекистон билан чегарадош давлатда беҳаловатлик, одамкушлик бўлиб турган бир паллада ўз уйингда бамайлихотир яшаб бўладими? Ахир фарзандларимиз, набираларимиз бор. Уларнинг тақдири, эртанги куни бизларни беихтиёр ташвишга солади.

Тожикистондаги расмий ҳукуматга нисбатан мухолифатдаги кучлар яна қўзғалиб қолишди. Афтидан, уларга четдан далда ва ваъдалар, иқтисодий кўмак ва қурол-аслаҳа оқими янада кучайтирилганга ўхшайди. Энг хавфлиси шуки, бу мухолифатчилар сафида ватанфурушлик либосини кийган миллатдошларимиз бордиги бизни ўйлантиради. Улар демократик кучларга қарши тазйиқини кучайтиришмоқда. Бу кимсалар динни ёт унсурлардан тозалаш, ислом софлиги учун курашчи сифатида майдонга чиқаётган бўлсалар-да, асл мақсадлари барчага аён. Бу тўда ва реакцион кучларнинг мақсади Тожикистонда ва унга чегарадош бўлган ҳудудларда расмий давлатни агдаришдир.

Юрт хоинларининг қора қилмишлари ва сафсаталарини эшитиб хаёлимга бир гап келди. Бу хоинларга қайси ўзбек ва қайси ўзбекистонлик ўз номидан гапириш, фаолият юргизиш кафолатини берган? Истиқлолга эришиб тараққиётга юз тутган халққа бу муттаҳамларнинг кўмаги ва улар ваъда қилган сиёсат керакми? Бу ақидапарастлар қурмоқчи бўлган давлатга қайси юртдошимиз муҳтож? Қизил империя шароитидаги давр билан ҳозирги замонни солиштириб, озодлик неъматини тоттан юрт одамларига бу хоинларнинг сариқ чақалик қадр-қиммати бормикан? Масала моҳиятини тўғри англашимиз керак. Уларнинг қўлидан аслида ҳеч нарса келмайди. Хоинлар филга ҳурган лайча ҳолатини эслатади. Бироқ лайчаларнинг бетиним ҳуриши карвондагиларнинг асабини бузади, холос. Биз бу қора кучлар ҳақида ёшларга матбуот, телевидение орқали, қоласерса, маҳалла-қўйдаги йиғинларда тўғри маълумот беришимиз керак. Уларнинг ҳар бир қилмиши астар-аврасини йиртиб кўрсатишимиз шарт.

Тожик ва ўзбек халқи минг йиллардан буён бир дарёдан сув ичиб, оға-инидек иноқ яшаб келмоқда. Бугунги кунда тожик халқига ғалаёнлар, ҳунрезликлар, баҳслар эмас, балки издан чиққан ва ночор аҳволга тушиб қолган иқтисодиётни тиклаш зарур. Бу борада ҳар икки халқ қўлни-қўлга бериб, дилни-дилга пайванд қилиб фаолият юргизса, бизларга биронбир куч дахл қилолмайди. Тинчлик, осойишталик ҳар иккала юрт одамларининг эзгу мақсадларидир. Бу тинчликка раҳна солувчилар эса шафқатсиз жазога лойиқдирлар.

Маҳмуд ГАЛАЕВ,
Қўшработ тумани, Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги жамоа хўжалигининг 2-бригада бошлиғи.

Суд залидан

ЖИНОЯТЛАРИГА ИҚРОР БЎЛИШЯПТИ

Ўзбекистон Республикасига қарши қатор ўта оғир жиноятлар содир этишликда айбланаётган йигирма икки нафар судланувчи устидан суд жараёни давом этяпти.

Шуни эътироф этиш керакки, суд қонун талаблари асосида олиб борилмоқда. Судланувчи ва жабрланувчиларнинг процессуал ҳуқуқлари тўлиқ таъминланган. Адвокатларнинг иш юзасидан бўлган талаблари қондириляпти. Улар ўз ҳимояларидаги судланувчиларнинг «дело»сидаги ҳар бир эпизоддан воқиф этилганлар. Ишга тааллуқли савол-жавоблар тегишли ҳужжатларда қайд этиб борилмоқда.

Судга раислик этувчи судланаётган Оловуддин Болтаевнинг иш бўйича кўрсатмалар беришлигини сўрайди. У тергов давомидаги кўргазмасини тўлиқ тасдиқлагани ҳолда шундай дейди:

— Ҳаракатларимизда исломий давлат тузиб, халифалик ташкил этиш бор эди. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлмасди. Чунки халқимиз буни хоҳламасди. Шу боис аввал даъват, кейин қалам, яъни варақалар орқали тарғиб этиш, улар ҳам натижа бермаганида ниятимизни куч билан амалга ошириш илинжида эдик...

Биз ўз ҳаракатларимиз ила исломга зиён етказдик. Бугунда ўзим англаб етмаган ишга қўл уриб, атрофимдаги ғаламисларга қўшилиб қолганимдан афсусдаман.

О. Болтаев ўз адвокатининг «Сиз 16 февралдаги жиноий ҳаракатдан хабардор эдингизми?» деган саволига «кечиккандим» деб қўя қолди, холос.

Ўзбекистондаги жиҳод ҳаракати иккинчи «амири»нинг бу баҳонасига ишониб бўлармикин?

Шундан кейин навбатдаги судланувчи Дилшод Камоловнинг кўрсатмаси эшитилади. Д. Камолов муҳим аҳамиятли йўллар ҳамда турли лавозимларда ишлаётган масъул шахсларнинг хизмат, уй телефонларини, яшаш жойларини жиноий гуруҳ «амири»га етказишдек вазифа билан шуғулланган.

У ўз айбини тан олди. Ҳақиқатдаям, Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг телефон рақамларини «керакли» манзилга етказганига иқрор бўлди.

Шунингдек, у тергов давомидаги берган кўргазмаларининг ҳаммасини тасдиқлади.

Судланувчилардан Каримжон Узоқов, Рустам Маматқулов, Фозилжон Асқаров ва Нурали Йўлдошевлар ҳам кўргазмалар бериб, айбларига иқрор бўлдилар. Одил суд томонидан шафқат қилинишини сўрадилар.

Суд ўз ишини давом эттирмоқда.

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятимизда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш дастурда марказий ўринни эгаллайди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари тузиш, янги ишлаб чиқариш корхоналари қуриш, мавжудларини замонавийлаштириш ва баъзиларини қайта ихтисослаштириш, ҳунармандчилик ва бизнес турларини ривожлантириш, мавжуд корхоналарни тўла қувват билан ишлатиш ҳисобига уч йил мобайнида 101100 та янги ишчи ўрни очиш режалаштирилган. Бу вилоятда ишсизлик муаммосини муваффақиятли ҳал қилишга имкон яратади.

Дастурнинг амалга оширилиши натижасида вилоятимизда ялпи ички маҳсулот ҳозирги даражадан 189 фоизга, шу жумладан, ишлаб чиқариш саноатида 156, қишлоқ хўжалигида 139 фоизга ошиши кутилмоқда.

Катта ҳажмдаги ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 42 миллиард сўм ва 247,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш режалаштирилган. Бу кўзланган режаларни тўла амалга ошириш учун катта ва чинакам кафолатдир.

Бир сўз билан айтганда, вилоят аҳли қалбидаги ихлосу эътиқод, эртанги кунга ишонч, элу юртга садоқат бу — энг катта маънавий асосдир. Юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрликлари эса бу асосга битмас-туганмас куч-қувват бағишлаб туради.

— Ҳукумат қарорида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ғоят муҳим ўрин ажратилган. Бу борада амалга оширилиши, ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган. Шу асосда вилоят қишлоқ хўжалигининг барқарор тараққиётини таъминлаш учун қандай тадбирлар кўзда тутилмоқда?

— Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун асосий манба бўлган ерни авайлаб-асраш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилади. Суғориладиган ерларнинг самарадорлигини, тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерлар ўзлаштириш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар кўриш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш асосий вазифаларимиздандир. Иқтисодий жиҳатдан истиқболсиз, ночор, зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар эса тугатилади. Тармоқда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ривожлантирилади.

Бунинг натижасида 3 йил ичида пахта ва дон етиштириш ҳажмларини камайтирмаган ҳолда, қанд лавлагини 300 минг (уч марта кўп), гўшт ишлаб чиқаришни 57,5 минг, сут тайёрлашни 400 минг тоннага, тухум ишлаб чиқаришни 120 млн. донага, асал тайёрлашни 300 тоннага (2 марта кўп), мева-сабзавот етиштиришни 204 минг тоннага етказиш кўзда тутилади. Суғориладиган ер майдонлари 2 минг гектарга кўпайиб, 241 минг гектарни ташкил этади.

Ўсиш ва кўпайишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мазкур тармоқлардаги ислоҳотларни чуқурлаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, таннархни бирмунча арзонлаштириш устида қаттиқ ишлашимиз керак. Бу бизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб хорижга сотиш ва валюта тушумларини кўпайтириш имконини беради.

Вилоятдаги мавжуд 132 та жамоа хўжалигининг 122 таси ширкат хўжалигига айлантирилиши лозим. Қолган 10 та хўжаликнинг 2 таси ўтган йили ширкатларга айлантирилди. 8 та хўжаликда эса деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар негизида янгидан ўзлаштирилаётган майдонлар, шунингдек, қўшимча равишда ажратилаётган ерлар ҳисобига 3 йил давомида 831 та фермер хўжалиги ва 17 минг 872 та деҳқон хўжалиги тузиш мўлжалланмоқда.

Агар ҳар бир фермер хўжалигида 5, деҳқон хўжалигида камида 2 киши меҳнат билан банд бўлишини ҳисобга олсак, янгидан тузилаётган жамоаларда 40 минг киши иш билан таъминланади.

Бундай таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан мақсад одамларда мулкдорлик, ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, талон-торожликларга йўл қўймаслик, ерга меҳр билан муносабатда бўлиш орқали юқори ҳосил олиш ва аҳолини иш билан банд этишдир. Бу тадбирлар чуқур таҳлиллар ва аниқ ҳисоб-китоблар, катта тушунтириш ишлари орқали амалга оширилиши шубҳасиз.

— Дастурнинг салмоқдор қисми вилоят саноатини тараққий топтириш вазифаларига бағишланганлиги табиий. Ана шу соҳа режаларида нима ишлар қилиш кўзда тутилган? Хусусан, вилоятда пахта толасини қайта ишлашнинг истиқболлари қандай?

— Республикамизнинг ички молиявий манбалари, корхоналар, вазирликлар ва республика ташкилотлари маблағлари ҳамда чет эл сармоялари ҳисобига кўплаб янги корхоналарни бунёд этиш, мавжудларини замонавийлаштириш, қайта ихтисослаштириш кўзда тутилмоқда. Урганч экскаватор заводида дастлаб йилига 150 та экскаватор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кейинчалик бу кўрсаткични 300 тага етказиш, «Ўздонмаҳсулот» тизимидаги корхоналар қошида макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 960 та ишчи ўрнига мўлжалланган 30 та катта-кичик корхоналар, «Хоразм балиқ» ҳиссадорлик жамиятида йилига 4 миллион банка консерва, 180 тонна балиқ уни, 180 тонна балиқ ёғи ишлаб чиқарувчи завод қуриш режалаштирилмоқда.

«Кока-кола» заводини кенгайтириш, «Урганч ёг» ҳиссадорлик жамиятида алиф, суюлтирилган совун ва бошқа хил янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «Феруз» ва «Хоразм ипаги» ҳиссадорлик жамиятлари ишлаб чиқариш қувватларини янги дастгоҳлар ўрнатиш ҳисобига ошириш, «Шовот подшипник» заводида роликли подшипниклар, «Урганчозуқамаш» ҳиссадорлик жамиятида «Кейс», «Класс» ва «Лемкен» фирмаларида тайёрланаган мураккаб хорижий техникалар учун бутловчи қисмлар тайёрлаш, мавжуд консерва заводларини қайта жиҳозлаш, кўплаб савдо, маиший хизмат шохобчалари, автокемпинглар барпо этиш вилоят саноати қувватларини сезиларли оширади.

Пахта толасини қайта ишлаш корхоналари сони, иш салмоғи ва сифатини яхшилаш вилоят учун ғоят муҳим масала. Ахир пахта хомашёсини ўзимиз тайёр маҳсулотга айлантириб, хорижга сотишимизга нима етсин? Ушбу муҳим вазифа валюта тушумларини кўпайтириш муаммосини ҳал этишда ҳам катта аҳамиятга эга. Шу сабабли пахтани қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ривожлантириш, такомиллаштириш доимий эътиборимизда. Истиқбол режаларида ҳам бунга катта аҳамият берилган. Қуйидаги мисоллар буни далиллайди.

Урганч туманида ҳар бири йилига 2 минг тонна пахта толасини қайта ишлайдиган «Турон текстиль» ва «Хоразм-Нуртоп», Янгиариқ туманида йилига 2 минг 300 тонна пахта толасини қайта ишлайдиган «Хоразм текстиль» қўшма корхоналари, Боғот туманида йилига 6 минг тонна ип ишлаб чиқарувчи «Боғот текстиль» мажмуи, Янгибозор туманида йилига 1200 тонна пахта толасини қайта ишловчи «Воҳа» йигирув фабрикаси, Хивада йилига 2 миллион 300 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарувчи «Карпет» қўшма корхонаси ва бошқа объектларни қуриб, ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда ишлаб турган «Гурлан» ҳиссадорлик жамияти, Ҳазорасп ип йигирув фабрикаси, «Хонқа-шуя» корхонаси, Боғотдаги «Хива» қўшма корхоналарида 3 минг тоннадан зиёдроқ пахта толаси қайта ишланади. Дастурда кўрсатилган барча корхоналарнинг ишга тушишига эришсак, вилоятимизда 17 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот чиқарилади. Бу — вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг тахминан 17 фоизини ташкил этади.

— Ҳукуматимиз қарорида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, туризм ва унинг инфратузилмасини тараққий топтириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш зарурати алоҳида таъкидланган. Ана шу соҳаларда қандай тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилаяпти?

— Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларимиз ўз фаолиятлари учун кенг йўл очилаётганини тобора кўпроқ ҳис қилиб туришибди. Шу сабабли уларнинг сони ортиб, фаолият доиралари кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг охирларига бориб, жисмоний шахс сифатида хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юртдошларимиз сони 13 минг кишига етади. 3 йил давомида уларнинг сафига яна 3812 киши қўшилиши кўзда тутилмоқда. Баъзан тадбиркорларнинг қўлини асоссиз равишда боғлайдиган, кўнглини совутишга олиб келувчи ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай кўринишларга барҳам бериш учун кескин чора-тадбирлар амалга оширилади.

Уч йил мобайнида вилоятда 2700 кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз фаолиятини бошлайди, уларда 16 минг 200 ишчи ўрни очилиши режалаштирилган. Бу энг ками билан олинган кўрсаткичлар. Умуман, янгидан тузиладиган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сонини 5 мингта, уларда хизмат қиладиган ходимлар сонини эса 25 минг нафарга етказиш ниятидамиз. Бу йўлдаги муаммолар, сансолорлик ва лоқайдлик тўсиқлари ҳам бизга яхши маълум. Ислоҳотлар жараёнида улар бартараф қилинади.

Туризмни ривожлантириш тўғрисида ҳар қанча тўхталсак ҳам оз. Ахир Ватанимизнинг бебаҳо жавоҳирларидан бири ҳисобланган Хивадай шаҳри азимни бир кўриш учун дунёнинг барча чеккаларидан сайёҳлар келишади. Айнан туризм соҳасида катта иқтисодий самара ётибди. Ислоҳот ва янгиланишларни ўзида энг кўп намоён қиладиган соҳалардан бири ҳам шу десак, хато бўлмайди.

Масалан, Урганч аэропорти замонавийлаштирилаётир. Бу кўпчиликка маълум. Эндиликда у энг замонавий самолётларни ҳам бемалол қабул қила олади.

Хива шаҳрида чет эл компаниялари билан ҳамкорликда халқаро андозаларга мос меҳмонхоналар қуриш, Урганчда замонавий меҳмонхоналар тармоғини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Меҳмонлар сони ҳам, уларни қабул қилиш имкониятлари ҳам ортиши турган гап. Асосий вазифа эса хизмат кўрсатиш маданияти ва ҳажмини ўстиришдан иборат. Бугун эътибор кўпроқ шу масалага қаратилган.

Барча ислоҳотлар халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётгани шубҳасиз. Табиийки, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳам янги поғонага кўтарилиш кўзда тутилган.

Бу борадаги бунёдкорлик ишларининг салмоғи қуйидаги рақамларда ҳам бир қадар акс этган, деб ўйлайман. 3 йил мобайнида 800 ўринли касалхоналар, 700 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган поликлиникалар, 34 та қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, ногиронлар соғлиғини тиклаш маркази, янги санаторий-профилакторий, 9300 ўринли умумий овқатланиш ва 236 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, газ ва электр тармоқларини кенгайтириш юзасидан белгиланган режалар ҳам умидбахшдир.

Умуман олганда, олдимизда турган вазифалар қўлами жуда кенг. Уларни маъмурий-буйруқбозлик ёки бошқача эски йўллар билан ҳал қилиб бўлмайди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, янгиликларни ҳаётга жадал жорий этиш жараёнларида фидокорлик ва тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиш орқалигина, эзгу мақсад ва ниятларга эришиш мумкин. Бутун вилоят аҳли буни чуқур ҳис қилмоқда. Ҳукуматимиз қарорида белгиланган кўрсатма ва вазифаларни бажариш учун барча имкониятлар ишга солинади.

«Халқ сўзи» мухбири Сотим АВАЗ суҳбатлашди.

КАРМАНА ОБОД БЎЛАДИ

Бир неча минг йиллик тарихнинг гувоҳи бўлган, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг назари тушган қадимий шаҳар — Кармана халқининг қувончи чексиз. Президентимиз Ислом Каримовнинг Кармана шаҳрининг қадимий шуҳратини тиклаш, унинг тарихий обидалари бўлмиш Мирсаид Баҳром мақбараси, Ҳазрат Қосим Шайх мақбараси мажмуи, Шайх Хўжа мақбараси, Мирзачорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш имкониятларини кенгайтириш, маданий-маиший, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истагини инобатга олиб, Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини тузиш тўғрисидаги Фармони карманаликларни ниҳоятда шодлантирди. Кармана туманининг магистрал йўлларини қайта таъмирлаш ва шаҳар ичидаги йўлларини кенгайтириш тадбирларининг ишлаб чиқилиши бу ҳудуд мамлакатимизнинг обод ва кўркам гўшаларидан бири бўлишидан дарак беради.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Унда шаҳар ва туманлар вакиллари, ташкилот, корхона, бошқарма ва бирлашма раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг кўҳна Кармананинг қадимги шуҳратини тиклаш, Кармана туманини ташкил этиш, мазкур ҳудудда кенг бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ҳақидаги ғамхўрлиги бутун вилоят меҳнат аҳлини ғоят мамнун этганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ғ.Дилов сўзга чиқди.

Фаоллар йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига миннатдорлик мактуби йўлладилар.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш ва уни тўғри ташкил этишга оид қарорларининг май ойидаги ижроси якунлари, валюта тушумларининг аҳволи ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси, мазкур комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Таъкидландики, ўтган ойда республика бўйича банклар кассаларига нақд пул маблағларини жалб этиш ва уни муомалага чиқариш кўрсаткичлари кўзда тутилган даражада бажарилди. Ҳисобот даврида банклар кассаларига белгиланганидан 6,7 миллиард сўм ёки 16,8 фоиз кўп нақд пул келиб тушди.

Таҳлиллар нақд пул тушуми ва муомалага пул чиқариш бўйича кўрсаткичларни янада яхшилаш мумкинлигини, бунинг учун айрим ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари фаолиятида талабчанлик ва қатъий назорат етишмагани, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганини кўрсатмоқда. Бу борадаги ишлар ўта қониқарсиз ташкил этилгани туфайли мамлакатимизнинг кўпгина шаҳар ва туманларида муомалага пул чиқариш даражаси юқорилигича қолаётгани кескин танқид қилинди. Бунга, авваламбор, маҳаллий раҳбарларнинг бозорларни халқ истеъмол моллари билан тўлдириш, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ишларига бефарқ қараши сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу билан бирга жойларда фуқароларга нафақа тайинлашда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани, мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилинмаётгани, нафақа тайинлаш ва беришга мутасадди ташкилотлар фаолияти устидан маҳаллий ҳокимиятларнинг назорат иши пухта ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди. Маълумотлар айни соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари ва тижорат банклари раҳбарлари зиммасига аҳолининг нақд пулдаги тўловлари бўйича доимий мониторинг қилиб боришни йўлга қўйиш, халқ таълими тизими ходимларининг, корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг меҳнат таътилига чиқиш муносабати билан тегишли маблағлари ҳамда пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони талабларини оғишмай амалга ошириш борасида тегишли чораларни кўриш, халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китоблар аҳволини яхшилаш, иш ҳақи бўйича қарздорликка йўл қўймаслик, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг электр энергияси, телефон, газ ва бошқа турдаги коммунал хизматлардан мавжуд қарзларини қисқартириш бўйича олиб бориладиган ишларни жонлантириш лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова иштирок этди.

(ЎзА)

Бугун қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Экиш-тикишдан тортиб, ҳосилни йиғиб олгунгача бўлган ишларнинг аксарияти техника воситалари билан амалга оширилади. Ўзбекистон туманидаги Муқимий номли жамоа хўжалигида таъмирловчи Алижон Олимжонов (суратда)ни ҳамкасблари «уста» дея ҳурматиззат қилишади. Бунга сабаб шуки, Алижон тракторларнинг юраги ҳисобланмиш корбюраторларни созлашни пухта эгаллаган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МЕБЕЛЬ САЛОНИ
ASOSIYOB
Италия, Голландия ва Дания усталарининг энг яхши офис мебель тўплами
Илғор фикрлар қулай ўриндиқда ўтирганингизда келади

Тошкент, Матбуотчилар кўч., 32.
Тел.: (371) 133-80-10
133-89-27
э эркин тўплам
э каталог бўйича танлаш
э олиб бериш ва йиғиш

ТАРИХДАН

«Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган».

Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли рисоласида шу фикрларни ўқидиму, китоб кўтариб мактабга борган кунларимдан бошлаб, мустақилликка эришгунгача тарихимизга бўлган муносабат бирин-кетин хаёлимдан ўтди. Президентнинг **«...шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди»,** деган сўзлари хаёлимни яна чуқурлаштирди.

Тоталитар мафкура ҳукм сурган пайтда миллатлар тарихини бузиб кўрсатиш, иложи бўлса, уни ўчириб юборишнинг ҳар хил йўллари қўлланилган эди. Булардан энг ашаддийси, ҳар бир миллатнинг тарихини ўша миллат вакиллари томонидан инкор қилдириш йўли эди. Эсимда: Ўзбекистон тарихини яратиш учун кўп уринишлар бўлди. Бир неча бор тарих яратилди ҳам. Эллигинчи йилларнинг бошларида Москвада ўқиб юрган пайтларимда академик Яҳё Ғуломов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Рашид Набиевлар бир қучоқ папкаларни кўтариб, Москвага борганларини ва ўша ерда узоқ вақтлар туриб, тарихга тегишли папкаларни кўрикдан ўтказганликларини эслайман. Мақсад ўз-ўзидан маълум эди. Халқ тарихини яратиш тамойиллари фақат Москвадан туриб белгиланарди. Бу ерда асосий масала миллатни бошқарган султону саркардаларнинг тарихдаги ўрнини йўққа чиқариш, ҳатто «реакцион» сўзини ишлатиб, тўлалигича инкор қилиш эди. Тарих улар тамойили нуқтаи назаридан фақат майда келишмовчиликлар, ҳар хил сабаблар билан кўтарилган ғалаёнлардангина иборат бўлиши керак эди.

Эллигинчи-олтмишинчи йилларда Ўзбекистоннинг кўп жилдлик тарихи яратилди. Бироқ том маънодаги тарих эмас, ҳар бир саҳифаси қатор кемтиклардан иборат бўлган тарих эди. Бугун ишончим комилки, бир неча бор ўнлаб папкаларни Москва кўригидан ўтказган Яҳё Ғуломовнинг ҳам, Рашид Набиевнинг ҳам бу тарихдан кўнгиллари тўқ эмасди. Шу боисдан бўлса керак, Яҳё Ғуломов кўпроқ Хоразмда ер суғориш, археологик топилмалар тарихини ўрганиш билан банд бўлди. Рашид Набиевнинг Кўқон хонлиги тарихига тегишли жиддий тадқиқоти эса, ўша мафкура тузоғига тушиб қолиб, «туғилмасдан туриб бўғилди». Яъни таъқиқ қилинди.

Шундай қилиб, ўзимизнинг тарихимизни ўзимиз тўла ва объектив ёритишга ҳақ-ҳуқуқсиз эдик. Бугина эмас, ўзини илм аҳли қаторида санайдиган айрим кимсалар ўз тарихимизни тўла инкор қилишга бош қўшардилар. Эсимда: эллигинчи йилларда тарих илмида ишлатилиб келинаётган «Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши» деган ҳолис ибора «Ўрта Осиё Россияга ўз ихтиёри билан қўшилди» деган зўрма-зўраки иборага расмий равишда алмаштирилди. Олтмишинчи йилларнинг охирларида нене азоблар билан қўлга киритилган «Темур тузуклари» «Гулистон» журналида чоп этилди. Бу иш ўзимиздан чиққан мафкурачиларга маъқул тушмади. 1968 йили академик Иброҳим Мўминов минг андишалар билан «Амир Темурнинг Ўрта Осиёда тутган ўрни ва роли» номли рисола эълон қилди ҳамки, мафкурачиларнинг уртўқмоғи ишга тушди. Кейинчалик Москва матбуоти ҳам «огоҳлантирувчи» йўлга ўтди. Иккита катта журналда темурийларни камситадиган мақолалар эълон қилинди. Бу мақолалар муносабати билан темурийларни бадном этадиган қатор тадбирлар ўтказилди.

Тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини яшириб, объектив маъносини бузиб кўрсатиб, халқ онгига ўз манфаатидан келиб чиқадиган ғояларни сингдириш учун тоталитар мафкура адабиёт ва санъатдан ҳам тўла фойдаланди.

Адабиётда «инқилобий мавзу» деган йўналиш жорий қилинди. Ва бу йўналиш ҳар томонлама рағбатлантирилди. Кимки шу йўналишда асар ёзса, жадидизмни қоралаши керак эди. Республикамизда бир неча йиллар давом қилган миллий ҳаракатни «босмачилик» деб атиб, қора бўёқлар билан чаплайдиган бўлишди. Шу йўналишда жилд-жилд асарлар яратилди. Бутун ижодини фақат шу йўналишга бағишлаган ёзувчилар адабиёт майдонида жавлон урдилар. Уларнинг «хизматлари» адабиётшуносларнинг томонидан кенг тарғиб қилиниб, давлат мукофоти билан тақдирланди. Иш шароитларига алоҳида эътибор берилиб, ҳар хил йўсиндаги имтиёзлар туғдирилди. Шундай қилиб, Абдулла Қодирий, Чўлпон асарларида акс этган тарихийлик тамойилига путур етказилди. Тарихни талқин қилишнинг объективлиги бузилди.

Президент рисоласида қатор фикрларни уйғотган масала мустамлакачилик сиёсати бўлди. Табиий, Туркистоннинг гўзал ва бой табиати, серҳосил ери, унинг қазилма бойликлари, илмий-маданий ютуқлари асрлар давомида зўравонларнинг назарида бўлган. Гоҳ ғарбу шарқдан, гоҳ шимолу жанубдан босқинчилар келиб, бу ерни қўлга олиб, унинг бойликларидан фойдаланишни мўлжалга олганлар.

«... Юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантиқий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр Македонский ҳам, Кутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашғари билан келган, ишғол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган».

Ўйлаб қарасангиз, истилочиларнинг ерли халққа таъсири ва асоратлари ҳар хил бўлган. Бутун Искандар Зулқарнайн истилосининг бирор асорати бизгача етиб келганлигини сезмаймиз. Фақат баъзи бир афсоналар, айрим битикларгина ўша юнон истилосидан дарак бериб туради, холос.

VIII асрда рўй берган араб истилоси ва мусулмончилик маслагининг илғор ғоялари бу истилодан бизга етиб келган сезиларли меросдир.

Бироқ истило — истило! Бир элнинг зўравонлик билан иккинчи бир халқ томонидан забт этилиши кўп қурбонларга сабаб бўлади.

XIX асрда рўй берган рус истилочилик ҳаракатининг аянчли асорати ҳамон сезилади. Улар бу ердаги маданий бойликни сўндириш учун керакли деб ҳисобланган ашёларни ўзлаштириб олиш ёки талон-тарож қилиш йўлини тутдилар.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Фарғонада ҳукмронлик қилган Ҳоким тўра образини эслайлик. Аҳоли орасида бузуқчилик ва беҳаёликни юқтиришдан ташқари унинг бошқа бир қусури бор. У ерли халққа тегишли кўзга илинадиган бирор маданий ёки маърифий ашё бўлса, уларни ғиғиб, марказга йўллаб турган. Бу хислат шимолдан келган истилочиларга хос хусусият эди. Бу ҳақиқат «Кеча ва кундуз»да ўзининг аксини топган.

Туркистон халқларига тегишли кўпгина маданий, илмий-маданий бойликлар Россияга, Россия орқали бошқа қитъаларга сотиб юборилди. Ҳатто энг ноёб ҳисобланган хон ва амирларнинг тож ва тахтлари, қимматбаҳо сарой аслаҳалари, ҳатто Яссавий мақбарасига тегишли дошқозон, мусулмончиликнинг қомуси — Қуръоннинг қадимий нусхаларидан бири ҳам тезкорлик билан марказга жўнатилган. Шу боисдан, илм ва маданиятимизга тегишли сон-саноқсиз бебаҳо илмий ихтиролар, маданий ашёлар Лондон, Париж, Мадрид, Истамбул, Деҳли музейлари ва архивларига

ЧЎПОН, ЗАМОН, ИМКОН

ДЕНГИЗКЎЛ ТОМОНЛАРДА

Денгизкўл бугун жуда сокин, ҳатто андак ўйчан кўринади. Ям-яшил қирларда қўй-қўзилар ёйилиб ўтламоқда. Кўлнинг шишадек текис ва зангори сиртида акс этган қуёш нури кўзни қамаштиради.

Нурмуҳаммад бобо узоқлардан кўз узмай хаёл сураркан, хотирасида олис 37-йил воқеалари гавдаланади...

Ўшанда ҳам худди шу кунгидек Денгизкўл жуда сокин эди. Лекин замон нотинч, безовта кўнгиллар сон-саноқсиз қама-қамалардан аламда, юртнинг кўзга кўринган, баобрў кишиларини мустабид шўро тузумининг жазо машинаси аёвсиз қиймаларди.

Нурмуҳаммаднинг отаси, Чўли бобо ҳаж сафарига бориб келган тақводор, инсоф-диёнатли одам бўлиб, қоракўл тери тайёрлаш билан шуғулланар эди. Бир куни ота-бола Денгизкўл соҳилидаги Полвонқудуқ яйловига тушиб келдилар. Аввал Чўли ҳожининг дўсти ҳисобланмиш чўпон қўшида бироз меҳмон бўлиб, сўнг кўл соҳилида узоқ сайр қилдилар. Соҳил қўклам оҳангларига тўла, олис-олисларда серка қўнғироғи садолари қулоққа чалинар, чағалайлар сувга тўш уриб учишар, эндигина саккиз ёшга тўлган Нурмуҳаммад бу гўзаллик қаршисида лол эди. Болакай иссиқ қумга бота-бота сайр этар, сариқ рўмол ўраган нозаниндай ороланган каврак гулларига маҳлиё эди. Лекин унинг мурғак қалби отаси нимадандир безовта, нотинч эканини сезарди. Табиатан дилкаш ва қувноқ одам бўлган Чўли ҳожи чўпон дўсти билан унчалик ёзилиб суҳбатлашолмади. Бу ҳам боланинг тийрак нигоҳлардан четда қолмади.

Номозшомда қишлоққа қайтишгач, дастурхон устида Чўли ҳожи бир умр йўлдоши Норжон опага, бир ўғлига қараб олиб, шундай деди:

— Эртага узоқ сафарга жўнайман... Қачон қайтишим номаълум... Энди сен катта йигит бўлиб қолдинг, мен йўғимда онангга қўлқанот бўл, ўғлим!

Шундан сўнг Нурмуҳаммад отасини фақат тушларида кўрди. Фақат тушларида отаси билан ҳамсуҳбат бўлди. Узун қиш кечаларида у ёстиғи ҳўл бўлгунча унсиз йиғлар, лекин буни онасига билдирмасди. Эсини танигач, отаси ҳақида эшитган, билгани шу бўлдики, Чўли ҳожи Сибир томонларга сургун қилинган, қабри бегона юртларда қолиб кетган...

Ислом эътиқодига тиш - тирноғи билан қарши бўлган шўро ҳукумати халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлган Чўли ҳожидан шу тахлит ўч олган эди.

Нурмуҳаммад кечикиб бўлса-да, бир сиқим тупроқ ташлаш учун отасининг қабрини узоқ излади, лекин ҳеч қаердан дарагини тополмади. Шўро гумашталари ўз жиноятлари изини яхшилаб бекитишган экан...

Майда тўлқинлар елкасида ҳубоб ўйнайди. Қуёш Денгизкўл сувларини алвон рангга бўяб, ўз ётоғига равона бўлди. Ота изидан бориб чўпонлик касбини эгаллаган ўғиллар — Дониёр ва Бешимжон қўйларни кўтонга қамаб қайтдилар.

Ана, қўйчивонларнинг чўл кўксига холдек бўлиб тушган мўъжазгина ҳовлиси. «Ҳовли» деганим, бир неча кичик-кичик чўпкори уй, кафтдеккина супа, ўчоқлар... Ҳарқалай, чўпонларни аччиқ изғирину қор-ёмғирлардан асрайди-да. Нурмуҳаммад бобо баланд сўрига жой ҳозирлайди. Қумғонда Амударёнинг хуштаъм суви биқирлаб қайнайди.

— Фонусларни ёқайми, ота? — сўрайди Дониёр.

— Э, ўғлим, фонусни нима қиласан, ана Оллоҳ таолонинг улкан шамчироғи ёниб турибди-ку — кўкка ишора қилади Нурмуҳаммад бобо.

Тўлин ой бепоён чўлни мунаввар этган, олис-олисларда, Ўртабулоқ томонларда газ машъалалари порлагани кўзга ташланади.

— Эҳ, — хўрсинади кекса чўпон, — шу улкан саҳронинг ҳам одам оёғи етмаган ери қолмади-я...

Бир пиёла аччиқ чой устида отахон билан суҳбатимиз қизигандан қизийди.

— Эллик йил сурув кетидан чўл кезиб, кам бўлмадим. Шу касб туфайли ҳовли-жойли, машинали бўлдим. Ойгул янгангиз билан иккимиз олти ўғил, тўрт қизни вояга етказдик, ўқитдик, уйли-жойли қилдик. Ўғилларнинг иккиси ёнимда — чўпон. Уч ўғил давлат идораларида ишлашади. Икки қизимиз шифокор, бир келинимиз ўқитувчи. 24 нафар неварамиз бор, худога шукур. Раҳматли онам Норжон момо бизнинг ували-жували бўлганимизни кўриб, 86 ёшларида дунёдан беармон ўтдилар.

Кекса чўпон суҳбат орасида ўчоқ бошида куйманаётган ўғилларига кўрсатмалар беришни фаромуш этмайди, меҳмоннавозликни ҳам ўрнига қўяди. Мен эсам суҳбатни бошқа мавзуга бурмоқчи бўламан.

— Нурмуҳаммад бобо, биламан, чўлда ишлаш ва яшаш осон эмас. Сурув кетидан юрганингизда ўзингизча хиргойи ҳам қилсангиз керак. Ўшандан икки мисрагина айтиб беролмайсизми?

Мезбон завқ билан кулади.

— Ҳа, энди, унда-мунда хиргойи қиламиз-у, лекин қўшиқни ёшлар айтсин-да. Дарвоқе, бир неварам бор, хаҳ, қарилик қурсин-а, оти нимайди?.. — Нурмуҳаммад бобо хотирасини андак уринтириб, бирдан невараси-нинг номини эслайди. — Ҳа, топдим, Нодир, Нодирбек! Ўзи ўн икки ёшда, Тошкентда мусиқа мактабида ўқийди. Ана ўша машшоқми,қўшиқчими бўлса, ашулани эшитаверамиз-да, ука!.. — Чўпоннинг чеҳраси ёришиб кетади. Мен эсам халқимизнинг нақадар болажонлиги ҳақида ўйлаб кетаман.

Тубсиз осмондаги ой тобора баландлайди. Қумғон остидаги саксовул чарсиллаб ёниб, атрофга ажиб ҳид таратади. Суҳбат мавзуи ҳаёт ташвишлари-ю, икир-чикирларига бориб тақалади.

— Шу, десангиз, меҳмон, яқинда хўжалигимиз раҳбарлари билан бир вакилми, текширувчими келди. Келди-ю дабдурустдан «Қани, бобой, гапиринг, нимадан камчилигингиз бор», деб сўради. Очиғи, аввалига бироз энсам қотди. Лекин меҳмон, барибир меҳмон-да, унинг ҳурматини жойига қўйдим. «Ука, бироз нафасингизни ростланг. Аввал таом, баъдаз калом деганларидек, сиз билан нону намак бўлайлик. Кейин қанча камчилик десангиз, айтавераман!» дедим.

Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, ўша куни Денгизкўлдан 8-10 килоча келадиган бир лаққа ушлаган эдим. Шуни тезда қовуриб, дастурхонга қўйдим. Изидан қўзи гўштидан кабоб пиширдим. Анчагача шакаргўфторлик қилдик. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, шундай дедим: «Энди ундан-бундан камчилик бор, деганим билан биров келиб уни тўкис қилиб бермас. Ҳар ким ўз меҳнатидан барака топсин. Уруш йиллари мен, 12-13 ёшли ўспирин, қўй сутидан тайёрланган бир пиёлагина қатиқ билан бир кеча-кундуз жон сақлаб, сурув кетидан юрардим. Ҳозир мана, Оллоҳга беҳад шукурлар бўлсинким, дастурхонимизда лаққа балиқ ҳам, қўзи гўштидан кабоб-у оқ буғдой нони ҳам бор. Шуни камчилик десангиз — бор камчилик шу. Тўқчилик десангиз — тўқчилик ҳам шу».

Меҳмон, ҳарқалай, тушунган одам экан, кулиб юборди. «Қани қўлни ташланг, Нурмуҳаммад бобода ҳеч нимадан камчилик йўқ экан, деб ёзамиз», деди. Қўлни ташладим, оғаини тутиндик...

Чўпон завқ-шавқ билан сўзлайди. Унинг чайир гавдаси, саҳро қуёшида қорайган юзларига тикиламан. «Етмиш ёшга кирдим», деганига сира ишонгим келмайди. Кўпни кўрган чўпоннинг оддий фалсафасига қойил қоламан. Африкалик улкан адиб Бернар Дадьенинг ҳикматларидан бири ёдимга тушади: «Бир кам дунёда мутлақо комилликка эришиб бўлмайди. Биздан фақат бир нарса талаб қилинади — комиллик сари муттасил интилмоқ керак. Яшашдан кўзланадиган мақсад ҳам ана шу».

Албатта, бу ҳикмат ўз йўлига, суҳбатдошим комиллик даъво қиладиганлар тоифасидан эмас. Унинг сиғинадигани — ҳалоллик. Ўз меҳнати билан ҳам оила тебратиб, ҳам жамиятга наф келтирмоқда. Бир инсон учун бу камми? Нурмуҳаммад Чўлиев иккала ўғли Дониёр ва Бешимжонлар билан Олот туманидаги «Олот» ижара хўжалигига қарашли 700 дан зиёд қўйни боқяпти. Жорий йилда ота-бола чўпонлар ҳар юз совлиқдан 105 тадан дуркун қўзи олиб, 500 бошини ўстиришга қолдирдилар. Хўжаликда булар сингари фидокор чўпонлар кўп. Нурмуҳаммад бобонинг қадрдон дўсти Бобомурод Қурбонов, унинг укаси Оқамурод Қурбонов, Тўра Саъдуллаев, Мираббос Умаров каби чўпонлар ҳам астойдил меҳнат қилиб, эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

— Хўжалигимиз ҳисобида 108 минг гектар яйлов бор, 25 минг бошдан зиёд қўй боқиляпти. Бу йилги мавсумда ҳар юз совлиқдан 103 тадан қўзи олиб, 11 мингдан зиёдроғини ўстиришга қолдирдик, — дейди ижара хўжалиги раиси Ҳалимжон Сафаров. — Мақсадимиз туёқ сонини ошириш, тармоқни янада ривожлантиришдир. Чўпон таёғи — муқаддас. Бу касбга меҳр қўйган киши асло кам бўлмайди.

Жўра ФОЗИЛ,
Бухоро вилояти.

БУЛОҚБОШИЛИК ФЕРМЕР

Булоқбоши туманида деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Бу эса мустақил иш юритаётган тадбиркорларга имкониятлар эшигини очмоқда.

Олий маълумотли иқтисодчи Тожибархон Қоракўзиева ташаббуси билан ўтган йили бу ерда фермер хўжалиги ташкил этилганди. 9 гектар ерда қилинган деҳқончилик самараси кўнгилдагидек бўлди. Айни пайтда хўжалик тасарруфида 25 гектар ер бор. 10 гектар ерга экилган буғдойга ўроқ тушган бўлса, 15 гектар майдондаги бир текис ривожланаётган ғўзалар кўзни қувонтиради.

СУРАТЛАРДА: фермер хўжалиги далаларида; тажрибали пахтакор Тожибархон Қоракўзиева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 8 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	77,61
1 Австрия шиллинги	8,93
1 Англия фунт стерлинги	191,71
10 Бельгия франки	30,48
1 Голландия гульдени	55,79
10 Греция драхмаси	3,80
1 Дания кронаси	16,56
1 БАА дирҳами	32,47
1 АҚШ доллари	119,26
1 Миср фунти	34,93
10 Испания песети	7,39
100 Италия лираси	6,35
1 Канада доллари	80,85
1 Хитой юани	14,41
10 Люксембург франки	30,48
1 Малайзия ринггити	31,39
1 Германия маркаси	62,86
1 Польша злотийси	29,80
1 СДР	159,46
1000 Туркия лираси	0,29
1 Финляндия маркаси	20,68
1 Франция франки	18,74
1 Швейцария франки	77,46
1 ЕВРО	122,95
10 Жанубий Корея вони	1,01
10 Япония иенаси	9,81
1 Россия рубли	4,90
1 Украина гривнаси	30,39

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

«ХАЛҚЛАР—СУВНИНГ КЕЛАЖАГИ УЧУН»
ТАНЛОВИНИНГ ДАСТУРИ ВА ШАРТЛАРИ

Орол денгизи дастури ва GEF агентлиги лойиҳаси доирасида табиатни муҳофаза қилиш бўйича миллий режаларнинг бажарилиши, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит аҳволини яхшилаш муаммоларига бағишланган энг яхши асарлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар учун республика танлови эълон қилинади.

1. Танловнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад республика кенг жамоатчилиги диққатини табиат аҳволи ва муҳофазасига жалб қилиш, «Орол денгизи ҳавзаси ва GEF лойиҳаси агентлиги дастури», «Сув ресурслари ва атроф-муҳитни бошқариш» нуқтаи назаридан сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш, замин ҳосилдорлиги гарови—қимматбаҳо бойлигимиз бўлмиш сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлигига қаратилгандир.

2. Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари

Танловда 1999 йил 20 августгача газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган материаллар (очерк, мақола, шеърлар) ва шунингдек эфирга узатилган телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар қабул қилинади. Танлов натижалари 1999 йил 1 сентябрга қадар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Эълон қилинган материаллар (очерк, мақола, шеърлар) оққа кўчирилган ҳолда тақдим этилиши, икки нусхада бўлиши, 1\4 газета саҳифасидан ошмаслиги шарт. Танлов ғолиблари республика Мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида эълон қилинади.

3. Танлов иштирокчиларини мукофотлаш

Танлов иштирокчиларини мукофотлаш уч йўналиш бўйича амалга оширилади. Булар: газетада эълон қилинган энг яхши материаллар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлардир.

Газетада эълон қилинган энг яхши материаллар учун:

Битта биринчи мукофот	-20000 сўм
Иккита иккинчи мукофот	-10000 сўм
Учта учинчи мукофот	-5000 сўм

Энг яхши телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун:

иккита биринчи мукофот	-20000 сўм
иккита иккинчи мукофот	-10000 сўм
учта учинчи мукофот	-5000 сўм

Энг яхши шеърлар учун:

битта биринчи мукофот	-15000 сўм
иккита иккинчи мукофот	-10000 сўм
учта учинчи мукофот	-5000 сўм

Танлов материаллари қуйидаги манзилга юборилиши керак:
700004, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4 уй,
Ўзбекистон Республикасидан миллий мувофиқлаштирувчига.
Маълумот учун телефонлар: 41-34-81, 41-33-11.

1765

ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ...

бориб тушган. Эндиликда улардан биз нусхалар олибгина қайта тиклашга мажбурмиз.

Демак, Чор империяси истилочилари емириш, йўқ қилиш билан бир қаторда талон-тарож қилди, ўғирлаб кетди.

Президент рисоласини ўқир эканман, тарихимизда рўй берган яна бир катта истилочилик ҳаракати хаёлимда қайта тикланди. Бу Чингиз истилоси эди. Чингиз ўтакетган зўравон куч бўлиб, тўфон сингари йўлига нима тўғри келса емирди, янчди, йўқ қилди. Маданий жиҳатдан ўзининг бирор ютуқ ё бойлиги бўлмаганидан ерли халққа ҳеч қандай таъсир ўтказа олмади. У лар, Чингизхон тўфонида емирилган шаҳар ва қишлоқлар, чоризм истилочилари қўлига ўтган қадриятлар халқ бошига битмас-туганмас зарар келтирган бўлса-да, унинг қаддини тўла бука олган эмас. Буларни назарда тутиб, Президент тарихчилар олдига шундай вазифа қўйди: **«... ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда, бари бир, бир қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми»?**

Жавоб тайёр. Ҳа, сақлаб қололди! Бироқ қандай сақлаб қололди, қандай қурбонлар берилди, кимлар қандай жасорат кўрсатди бу ерда? Мана, тарихчиларимиз тадқиқ қиладиган қатор масалалар. Президентнинг юқоридаги фикри, назаримда, тарихчилар олдига шу вазифаларни қўяяпти.

Шунча офату машаққатлардан бутун чиқиб, «ўтда қуймасдан, сувга чўкмасдан» ўзлигини сақлаб қолишнинг сир-асрори нимада экан?! Президентнинг рисоласида бунга қуйидагича аниқ жавоб айтилган: **«... жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир».**

Президент жамиятнинг, халқнинг ўзлигини сақлаб қолиш учун маърифатнинг қай даражада аҳамиятли эканлигини исботлаш мақсадида XX асрнинг бошларидаги маърифатпарварлик оқимига ишора қилади ва дейди: **«чор Россияси асоратига тушиб қолиб, бутқул таназзулга юз тутган ўлкани уйготишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди».**

Демак, жамият тарихида маърифат шундай кучки, унинг ривожига вақтинча тўсиқ бўлиш мумкин. Бироқ уни тамоман йўқ қилиб юбориш, сафдан чиқариш мумкин эмас. Шу боисдан бўлса керак, Президент доимий равишда илм-маърифатли бўлишга даъват қилади: **«Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақлзаковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоатибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!»**

Ўзбек халқи — табиатан маърифатга интилувчи халқ. Қизил салтанат ва унга жўр бўлган ўз миллатининг фазилатларини назар-писанд қилмайдиган унсурлар жон-жаҳди билан бутқул халқни «саводсиз эди» деган сиёсатни юритдилар. Аслида, бундай қараш тарихий ҳақиқатга тўғри келмасди.

Саводхонлик, маърифатга интилиш ўзбек халқининг қонида бор. Бу бир йил, ўн йилда юзага келган анъана эмас, балки асрлар оша одатга айланган фазилатдир.

Бугунги кун ҳақида ўйласам, шундай фикр хаёлимдан ўтади. Жамият тараққиётини белгилайдиган, бир-бирига боғлиқ иккита ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозим кўринади. Улардан бири — давлатчилик, иккинчиси — маърифат. Давлатчилик илму фан, маърифат тараққиётига замин яратади. Уни қўллаб-қувватлайди. Ўз навбати билан илм-фаннинг тараққиёти — давлатчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода бўлса керак, Президент ўз рисоласида маърифат билан бир қаторда давлатчиликка ҳам алоҳида эътибор беради. Давлатчилигимизнинг айрим босқичлари ҳақида қимматли фикрлар айтади. Давлатчилик бизнинг элимизда узоқ-узоқ тарихга эга эканлигини таъкидлайди.

Илмий адабиётларда, баъзан публицистик мақолаларда Турон ҳудудида икки Уйғониш даври борлиги ҳақида фикр юритилади. Улардан бири IX-XI асрларга мансубдир. Худди шу даврдаги дунё маданияти ва маърифатига ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, ал-Беруний, ибн Синоларни берганки, уларнинг илмий ихтиролари ўрта асрларда Европада рўй берган Уйғониш даври — Ренессансга таъсир ўтказгани маълум.

Турон заминидаги иккинчи Уйғониш даври XV-XYI асрларга тегишлидир. Бу Уйғониш даври асосан темурийлар давлатчилиги ва шу муносабат билан юзага келган маданият ва илм-фан тараққиёти билан боғлиқдир.

Турон ҳудудида рўй берган бу икки Уйғониш даври ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайди. Чунки бу иккала давр ҳам илмий адабиётларда етарли даражада ўрганилган. Тарих шуни кўрсатадики, Турон заминида Уйғониш даври — Ренессанснинг яна бир даври мавжуд бўлган кўринади. Бу юқорида қайд қилинган милоддан олдинги ва милод бошларида рўй берган Хоразм давлатчилиги ва шу муносабат билан ривожланган маданият ва маърифатдир. Турон заминидаги тарихнинг тараққиёт босқичларини Калтаминор деб аталган бу даврсиз тасаввур қилиш қийин бўлса керак.

Рисолада Президент яқин ўтмиш тарихимизга яна бир бор қайтиб, 1924 йилда маълум бир сиёсий мақсадда Туркистонни парчалаб юборган-бўлинишлар ва давлатчиликни шу бўлиниш билан боғламоқчи бўлган тарихчиларга кескин танқидий муносабат билдирди. Ва бу масалани бошқа миллат вакилларининг ихтиёрига ташлаб қўймасдан, ўзимиз тадқиқ қилиб, тарихий ҳақиқатни қайтадан тиклашимиз зарур эканлигини билдиради. Назаримизда, худди шу масалада тарихга объектив қараш, тарихни фақат ғалаёнлар тарихидан иборат қилиб кўрсатмасдан уни улуғ шахслар ва халқ оммасининг бирлиги йўсинида талқин қилиш керак.

Президент тарихчи олимлар билан анчагина давом қилган суҳбатига якун ясаб, дейди:

«Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим».

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.

МУҲАНДИСЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!
KASANSAY TEKMEN

Жунни қайта ишлайдиган "Косонсой-Текмен" ўзбек-турк қўшма корхонаси юқори малакали қуйидаги мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилади:

- *Кимё муҳандиси*
- *Саноат муҳандиси*
- *Механика муҳандиси*
- *Электроника муҳандиси*
- *Электрчи-муҳандис*
- *Тўқимачилик муҳандиси*

Турк ва инглиз тилини билганлар эътиборга олинади.

Ишга киришни хоҳловчилар 1999 йил 20 июнгача 3х4 ҳажмдаги сурат, таржимаи ҳол ва диплом нусхаси билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

Фабрика:
Наманган вилояти,
Косонсой шаҳри,
Тел.: (36965) 23355, 24256.

Тошкент офиси:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Тел.: (371) 1333905, 1332975.

1765

Теннис

«ТОШКЕНТ ОПЕН»:

АЁЛЛАР ТУРНИРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ

Бундай дейишимизга тўла асос бор. Зеро, мазкур халқаро турнир юксалиш пиллапояларидан кўтарила бориб, ташкил этилганининг тўртинчи йилида WTA Tour мусобақалари қаторига кирди. Ушбу тушунча мамлакатимиз теннис ихлосмандлари учун янгилик бўлгани боис, у ҳақда қисқача маълумот бериб ўтамиз.



WTA — Аёллар теннис ассоциацияси мустақил ташкилот сифатида 1973 йил 22 июнда Лондон шаҳрида 62 нафар теннисчи иштирокида ташкил этилган. Орадан 21 йил ўтиб аёллар теннисининг дунёдаги барча тизими WTA Tour ташкилотига бирлаштирилган.

Айни кунда пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида старт олган «Тошкент опен» халқаро турнири аёллар мусобақаси WTA таснифида тўртинчи даражада белгиланган. Таъкидлаш жоизки, бундай нуфуздаги мусобақалар дунёнинг атиги 10 га яқин давлатларида ўтказилади, холос.

Бу йилги турнирнинг мукофот жамғармаси 112,5 минг АҚШ долларини ташкил этади. Унда жаҳоннинг 21 давлатидан 70 га яқин катта ракетка усталари иштирок этишмоқда.

Куни кеча «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида мусобақаларнинг қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёш теннисчимиз Ирода Тўлаганова дастлабки учрашувда голландиялик Седа Нурландер билан кортга тушадиган бўлди.

Қатор нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Седа 1990 йилдан буён профессионал теннис билан шуғулланади. WTA рейтингида унинг энг юқори кўрсаткичи 104-ўриндир.

Яна бир вакиламиз Л. Биктякова саралаш ўйинларининг ғолибларидан бири билан беллашади.

Бу йилги турнирда дунё теннис таснифида 41-ўринни эгаллаб турган исроиллик Анна Смашнова, 68-поғонада бораётган Татьяна Панова (Россия)ларнинг иштирок этаётгани унинг нуфузидан далолат беради.

Тошкент тўртинчи марта теннис бўйича эзгу ғояларга хизмат қиладиган халқаро мусобақа иштирокчиларини тўплаб турибди.

Умид қиламизки, мазкур турнир ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг меҳмондўст заминида ўтказиладиган бошқа кўплаб йирик халқаро мусобақалар сингари теннисчи қизларнинг спортдаги маҳоратлари янада равнақ топишига хизмат қилади.

О. РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Футбол: олий лига

«ПАХТАКОР»-«ЗАРАФШОН» — 4:2

Олтинчи июнь куни футбол бўйича мамлакат саккизинчи миллий чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Ўтган йилги чемпион — Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Навоийнинг «Зарафшон» футболчиларини қабул қилди.

Олдинги турда республикамизнинг тўрт карра чемпиони — «Нефтчи» чарм тўп усталарини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган навоийликлар учрашувни шиддатли ҳужумлар билан бошлади ва «Пахтакор»чилар жарима майдонида ҳозиру нозир бўлган Владимир Шишелов иккинчи дақиқадаёқ ҳисобни очди — 1:0.

Шундан сўнг гарчанд учрашувдаги устунлик пойтахтлик футболчилар томонига ўтган бўлса-да, жамоада уюшқоқлик етишмаётганлиги, тўп узатишдаги ноаниқликлар, ўйинчиларнинг асабийлашаётгани яққол сезилиб турди. Бундай парокандаликдан фойдаланган меҳмонлар танаффусгача иккинчи тўпни киритишга улгуришди. Яна ўша В. Шишелов 43-дақиқада тўпни боши билан Павел Бугало қўриқлаётган дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни 2:0 га етказди.

Танаффус пайтида стадионга ташриф буюрган кам сонли ишқибозлар ўртасида ўзига хос тортишув бўлиб ўтди. Кимдир чемпионнинг ўйинидан қониқмай қўл силтаса, яна кимдир, йўқ ҳали ўйнаса бўлади, мана кечаги саралаш беллашувидан мисол, деб жон куйдирарди.

Мухлисларнинг башоратлари беиз кетмади. Иккинчи бўлимда «Пахтакор»чилар фақат ғалаба учун ҳаракат қилишди ва унга эришдилар ҳам. Дастлаб жамоа сардори Миржалол Қосимов икки маротаба жарима тўпини қойилмақом ижро қилиб, меҳмонларни ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур этди. Кейинчалик «Зарафшон» футболчиси Даврон Умуров тўпни ўз дарвозасига йўллаб, «Пахтакор»га «кўмаклашди». 60-дақиқада эса Осиё қитъасининг рамзий терма жамоаси аъзоси деб эълон қилинган Николай Ширшов деярли майдон марказидан бошлаб олга интилди ва барча ҳимоячиларни доғда қолдириб, Анатолий Пикеев қўриқлаётган «Зарафшон» жамоаси дарвозасини ишғол қилди. Шундай қилиб, ҳисоб «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди — 4:2.

Ушбу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Темирйўлчи»-«Дўстлик» 1:3, «Самарқанд»-«Хоразм» 5:4, «Металлург»-«Насаф» 3:1, «Нефтчи»-«Андижон» 4:3, «Навбаҳор»-«Сурхон» 1:0, «Янгиер»-«Трактор» 2:1, «Суғдиёна»-«Бухоро» 1:1.

Навбатдаги тур мусобақалари 15 июнь куни бўлиб ўтади.



Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.
Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

АВВАЛО, ИНСОН БЎЛ

Яқинда Ғиждувон тумани маданият уйида Алишер Навоий номли маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда "Эл аро эзгу фазилат — аввало, одам бўл" мавзуидаги амалий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда маҳалла аҳли, туман ички ишлар бўлими, прокуратура ходимлари иштирок этишди. Анжуманда "Аёл — жамият таянчи", "Фарзандларимиз иқболи — юрт истиқболи", "Инсон ҳуқуқлари муқаддас" сингари мавзуларда қизиқарли маърузалар тингланиб, фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир ниҳоясида Ғиждувон тумани халқ театри ижодкорлари "Бахтнинг баҳоси" асаридан кўринишлар намойиш этишди.

Фотима ЖУМАЕВА.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА — МАШРАБ МУКОФОТИ

Наманган вилоятида Машраб таваллудининг 359 йиллигига бағишланган "Ғазалхон ёшлигим" мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижрочилари иштирок этишди. Мингбулоқ тумани "Юлдуз" ашула-рақс халқ дастаси хонандаси Шавкат Бекбоев ижро этган "Толиби дурдонаман" қўшиғи фахрли биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Танлов давомида вилоятда яшаб, ижод қилаётган бир гуруҳ ёш ижодкорларга адабиёт ва санъатга доир ишлари учун Машраб номидаги ёшлар мукофотлари топширилди. Улар ўртасида бўлиб ўтган мушоира эса шеъриятга ошуфта дилларга завқ-шавқ улашди.

Машрабхонлик кечасига ташриф буюрган меҳмонлар турли хил савдо ярмаркалари хизматидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

1999 ЙИЛИ ДОКТОРАНТУРА, АСПИРАНТУРА ВА КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРАГА:

«Акушерлик ва гинекология»-(1 мақсадли),«Нейрохирургия»-(1),«Хирургия»-(1).

Докторантурага кириш учун 45 ёшгача бўлган фан номзодлари олий ўқув юрти ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилишлари лозим:

- ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол, 5х6 см. ҳажмли фотосурат;
- олий ўқув юртини тугатганлиги ва фан номзодлиги ҳақидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуи бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси;
- матбуотда эълон қилинган илмий ишлар ва ихтиролар, илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича);
- бошқа ташкилотлардан келган шахслар учун иш жойидан берилган тавсифнома-тавсиянома;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

АСПИРАНТУРАГА:

«акушерлик ва гинекология»-(1),«Одам анатомияси»-(1),«Ички касалликлар»-(1),«Кардиология»-(1), «Педиатрия»-(2),«Юқумли касалликлар»-(1),«Асаб касалликлари»-(1),«Травматология ва ортопедия»-(1), «Жарроҳлик»-(1), «Нейрохирургия»-(1), «Гематология»-(1 мақсадли), «Аллер. ва иммун.»-(1), «Урология»-(1 мақсадли).

Аспирантурага кириш учун танлаган мутахассислиги бўйича икки йил иш стажига (интернатурада ўқиш муддати билан) эга 35 ёшгача бўлган ва олийгоҳни «аъло» баҳода битирганлардан институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржими ҳол,5х6 см. ҳажмли фотосурат;
- иш жойидан тавсифнома- тавсиянома (бошқа ташкилотлардан юборилган шахслар учун);
- эълон қилинган илмий ишлари, ихтиролари рўйхати ва илмий-тадқиқот ишлари (бор бўлса) тўғрисидаги ҳисоботлар (шакл бўйича),илмий ишлари ва ихтиролари эълон қилинмаган шахслар танлаган ихтисос бўйича илмий маърузалар (рефератлар) тақдим этадилар;
- олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- номзодлик имтиҳонларини топширганлиги (бор бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Аспирантурага кирувчилар танлаган мутахассислиги бўйича чет тили ҳамда Ўзбекистон тарихи ва фалсафадан кириш имтиҳонларини топширадилар (номзодлик минимум имтиҳонларини топширган шахслар бундан мустасно).Аспирантурага кириш имтиҳонлари 1 июлдан 16 июлгача ўтказилади.

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:

«Акушерлик ва гинекология»- (2), «Эндокринология»-(1), «Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари»-(1),«Ички касалликлар»-(3), «Кардиология»-(2), «Кўз касалликлари»-(2), «Педиатрия»-(2), «Юқумли касалликлар»-(1),«Тери ва таносил касалликлари»-(1), «Асаб касалликлари»-(2), «Онкология»-(2), «Психиатрия»-(1), «Нур ташхиси ва нур билан даволаш»-(2), «Травматология ва ортопедия»-(2), «Фтизиатрия-(2), «Жарроҳлик»-(2), «Нейрохирургия»-(1), «Гематология» -(1), «Болалар хирургияси»-(2), «Анестезиология ва реаниматология»-(2), «Урология»- (2), «Клиник фармакология»-(1), «Болалар юқумли касалликлари»-(2).

Клиник ординатурага танлаган мутахассислиги бўйича 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга (интернатурада ўқиш муддати билан) 35ёшгача бўлган ва олий тоифага эга бўлмаган шахслар қабул қилинади.

Иловада кўрсатилган айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар камлиги туфайли интернатурани тамомлаган шахслар ҳам танловда иштирок этишлари мумкин.

Илова:

1. **Нур диагностикаси ва нур билан даволаш.**
2. **Фтизиатрия.**
3. **Психиатрия.**
4. **Наркология.**
5. **Гематология.**

Клиник ординатурага киришда шаҳар чеккасида, айниқса қишлоқлардаги поликлиникаларда, аёллар консультациялари ва «Тез ёрдам»да ишловчи, шунингдек чет тили ва компьютер техникасидан билимга эга врачлар қўшимча имтиёзларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясини олиб ўқиган талабалар институтни тугатганидан сўнг 2 йил давомида, ибн Сино номидаги давлат стипендиантлари бир йил давомида клиник ординатурага танловсиз қабул қилинади.

Клиник ординатурани аввал тўлиқ ўтаган шахслар иккинчи марта ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

Клиник ординатурага кириш учун институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва фотосурат;
- охирги иш жойидан (ўқишдан) тавсифнома- тавсиянома;
- таржимаи ҳол;
- олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- интернатурани тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- охирги иш жойидан маоши ҳақида маълумотнома;
- хўжалик ҳисобидан қабул қилинаётганлар учун керакли молиявий ҳужжатлар ва тўловчининг мажбуриятлари.

Клиник ординатурага кирувчилар билан 1 июлдан 6 июлгача суҳбатлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, аспирантура ва клиник ординатурага хўжалик ҳисобидан қабул қилиш бюджет ҳисобидан ажратилган ўринлар сонидан кўп бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Ҳужжатларни топшириш муддати эълон чоп этилгандан сўнг 4 ҳафтагача. Ҳужжатларни топшириш ва қўшимча ахборот олиш учун Андижон давлат тиббиёт институти аспирантура ва докторантура бўлими мудири Т.Т. Тошматовага мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзилгоҳ: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 124-уй.
Тиббиёт институти, аспирантура ва докторантура бўлими.
Тел.: 25-08-13.

РЕКТОРАТ.

®/1827

Саховат

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ УЧУН 4 МИЛЛИОН СЎМ

Яқинда Тошкентдаги «Туркистон» саройида болаларнинг анъанавий «Ёш юлдузлар — 99» санъат фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ўз иқтидорларини намойиш этишди. Уларнинг орзуга тўла қалбларидан қуйилиб чиқаётган қувноқ қўшиқ ва рақслар фестиваль иштирокчилари юрагида ушбу жажжи санъат ғунчаларига нисбатан меҳр туйғуларини уйғотган бўлса, ажабмас. Айниқса, чирчиқлик Алишер Пўлатов ва тошкентлик Виктория Наумкинанинг ҳароратли қўшиқлари, шунингдек, ёш рақҳосаларнинг жўшқин рақслари олқишларга сазовор бўлди.

Ҳовлида эса болаларни турли ноз-неъматлар, ширинлик ва мевалар, музқаймоқ ва салқин ичимликлар қўйилган байрам дастурхони кутарди.

12 йилдан бери мунтазам ўтказилиб келинаётган ушбу фестиваднинг қуруқ тадбир эмас, балки болалар ҳаётида орзиқиб кутиладиган ажойиб байрам бўлиб қолишида унинг доимий ташкилотчиси ва ҳомийлари бўлмиш Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» ансамбли, «Булбулча» болалар ансамбли (раҳбари К. Алиев)нинг хизматлари каттадир. Фестивалнинг бош ҳомийси — Г. Раҳимов бошчилигидаги «Вита» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси эса совға ва совринлар учун 4 миллион сўм маблағ ажратди. Саховатли инсонлар бор экан, дунё доим меҳрга тўлиқдир.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ALQUR БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.

Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

Тўлов шакли турлича.

Ялюн технологияси асосида тайёрлаш

Сотамиз:

- Автомобиль кўтаргич, юк кўтариш қуввати -3000 кг.
- Шина созлаш мосламаси.
- Кўчма бўяш компрессори.

Барча анжомлар Жанубий Корея Республикасидан келтирилган

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Вектемир тумани, «Оҳанзарон» шоҳкўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс (37422) 25-25-94.

Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел. (43622) 30761.

1822

VENOASIA "ВЕНО-ОСИЁ" таклиф этади

БОЛГАРИЯ КУРОРТЛАРИ:

Қуёшли соҳил, Приморск, Несебр, Дюна.

Тошкент-Бургас чартер рейслари

МАХСУС НАРХЛАРИ

12 ёшгача бўлган болаларга чегирмалар

Болгария орқали Қоҳира ва Истанбулга қўшимча саёҳатлар

Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6. Тел.: (371) 144-48-83, 144-48-16.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0456. 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев. Навбатчи — А. Мадатов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 22.50 1 2 3 4 5 6